

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Х.Жўраев	
“Туркистон тўплами” – Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати тарихини ўрганишда муҳим манба	97
Ш.А.Раҳимов	
Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати: миллий тажриба ва халқаро ташаббусларнинг объектив зарурияти	101
	ФАЛСАФА, СИЁСАТ
Қ.Назаров, Д.Норматова	
Ўзбек фалсафасининг янгиланиш зарурати масаласига доир	106
Н.О.Сафарова, И.М.Арзиматова	
Форобий ва беруний ижодида ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ғоялари	109
С.Чориев, Б.Иминов	
Ғарбни таназзулга ботирган ғоя	113
Г.Ж.Туленова, А.А.Мадаминов	
Сиёсий партиялар ва жамиятни демократиялаш	119
Х.О.Шайхова С.С.Хошимов	
Бугунги дунё ва унинг одамлари	122
	АДАБИЁТШУНОСЛИК
А.Ҳамдамов	
Абдулла Орипов шеърлятида миллий ҳис-туйғулар талқини	127
Н.Султонова	
Ўзбек адабиётда модификация	130
Қ.В.Юлчиев	
Учликда макон ва вақт категорияси	134
	ТИЛШУНОСЛИК
З. Алимова	
Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзларда маъно ва товуш ўзгариши ҳодисаси	138
И.Расулов	
Рус ва ўзбек фразеологизмларининг семантик структураси	143
Г.Умаржонова	
Замонавий немис ва ўзбек тилларида “hand” – “қўл” фразеологик бирликлар функционал мазмунининг тадқиқи масаласи	148
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
Р.Джалилова	
Академик қаламтасвир тарихини ўқитишнинг методологик асослари	152
М.Каримова, Ш.Арипов	
Талабалар ўқув фаоллигини оширишнинг назарий асослари	155
И.Қирғизов, А.Нурмуҳаммаджонов	
Муסיқа маданияти дарсларида ўқувчиларнинг муסיқа тинглаш компетенциясини шакллантириш тажрибасидан	158
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
С.ЭВАТОВ	
Тасаввуф таълимотида ваҳдат ул-вужуд назарияси	162
М.Маматов, О.Азимбеков	
Ўзбекистонда сўфейликнинг ҳозирги ҳолати	165
Ф.Дадабаева	
А. Қодирийнинг “ ўткан кунлар” асаридаги ҳаракат тасвирининг олмонча ва русча таржималардаги талқини	167
Х.Убайдуллаев	
Лингвокультурология тарихини ўрганиш хусусида	169
С.Ҳакимжонова	
Ўзбек тилида ҳолат равишларининг услубий хусусиятлари	171
Б.Алимов	
Миллий аудиовизуал тармоқларнинг мамлакат имижини ривожлантиришдаги аҳамияти	174
	БИБЛИОГРАФИЯ
Библиография	179

УДК: 371+65.012.32

**МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСИҚА ТИНГЛАШ
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИДАН
ИЗ ОПЫТА ФОРМИРОВАНИЯ КОМПЕТЕНЦИИ СЛУШАНИЯ МУЗЫКИ НА
УРОКАХ МУЗЫКАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ
В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ШКОЛЕ
ON THE EXPERIENCE FORMING THE COMPETENCE OF MUSIC LISTENING IN
LEARNERS DURING THE LESSONS OF MUSICS**

И.Қирғизов, А.Нурмухаммаджонов

Аннотация

Мақолада мусиқа ўқитиш дарсларида ўқувчиларнинг мусиқа тинглаш компетенциясини шакллантириш бўйича ўқитувчи-педагоглар учун зарур маслаҳат ва кўрсатмалар ёритиб берилган. Мақолада мумтоз мусиқамиз намояндаларининг ижодлари юксак маҳорат билан табиатга уйғунлаштирилган ҳолда кўрсатиб берилган.

Аннотация

В статье изложены рекомендации и указания для педагогов по формированию компетенции слушания музыки на уроках музыкальной культуры в общеобразовательной школе. Приведены примеры из творчества деятелей отечественной классической музыки, мастерски передавших всю красоту и звуки природы.

Annotation

The article, the provides the necessary consultations and guidance for teachers of musics lesson on formulating the musics listening competence of the students. The creations of our classical musical compositions have been shown in synharmony with the nature.

Таянч сўз ва иборалар: компетенция, инновация, коммуникативный, ташкилий-мотивацион, информацион-процессуал.

Ключевые слова и выражения: компетенция, инновация, коммуникатив, организационно-мотивационный, информационно процессуальный.

Keywords and expressions: competence, innovation, communicative, organizational-motivational, iformational-procedural.

Маълумки, мусиқа санъати аждодларимиз ҳаётининг маънавий махсули сифатида бизгача етиб келган маънавий мерослардан биридир. Мусиқа санъати аждодларимиз томонидан сайқал топиб, башариятнинг эътирофига сазовор бўлди, мумтозлик даражасига қўтарилди. Шу боис Шарқ мутафаккирлари мусиқа санъатининг инсон камолотидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратдилар. Ватанимиз мустақилликка эришган кундан эътиборан эса, халқимизнинг маънавий оламини янгилаш борасидаги мақсадга давлат сиёсати нуқтаи назаридан қарала бошланди. Бундай эътибор Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топар экан, Ўзбекистонда мақом санъатини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижро ва ижодий мактаблар ва анъаналарни буюк бастакорлар, ҳофизлар ва созандалар меросини чуқур ўрганиш ва қайта тиклаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори миллий мақом дурдонасини чуқур илмий ўрганиш, бу борадаги илғор тажрибаларни кенг тарғиб этиш, айниқса ёш авлодни, жумладан, мактаб ўқувчиларини мумтоз мусиқий меросимиз намуналарини теран англаш компетенциясини шакллантириш юзасидан имкониятлар яратиб берди. Шу яратилган имконият ва шароитлар шукронасидан келиб чиқиб, биз мусиқа маданияти ўқувчилар компетенцияларини шакллантиришга ўқув дастури талабларига кўра 2017-2018 ўқув йилининг 7-синф

2-чораги 6-мавзуси “Фарғона-Тошкент мақом йўлларини ўзлаштириш” юзасидан Қўқон шаҳар мактабда мусиқа маданияти дарсини инновацион технологиялар асосида ташкил этдик.

Коммуникатив фаолият ҳам ташкилий-мотивацион, информацион-процессуал ва критериял натижага эришиши компонентларидан ташкил топган тизим бўлиб, ўқувчининг фаоллик ғояси ва коммуникатив фаолиятининг ижтимоий муҳитдан келиб чиқишини ҳисобга олиб, мусиқий мавзуга кириш суҳбатимизни эркин тарзда ташкиллаштирдик. Мусиқий суҳбатимиз ўтган дарсда кейинги дарс мавзуси юзасидан тайёргарлик учун олдиндан тўғрилиқ, аниқлик, соддалик, муайянлик каби тамойилларга таянган ҳолда бошланди. Суҳбатимиз бугунги кунда мусиқа тинглаш учун “Фарғона-Тошкент” мумтоз асарларидан бири “Ушшоқ” ашуласи ҳақида бўлишлигини таъкидланди. “Ушшоқ” атамаси арабчада ошиқлар, яъни ишқ аҳллари маъносини англатади. Ишқ киши руҳиятидаги энг жозибали туйғулардан бўлиб, ота-онага, оиласига, маҳалласига, мактабига, Ватанига, дўстига, ўзи ёқтирган касб ёки хунарга, Оллоҳга нисбатан қизиқишлар асносида вужудга келувчи руҳий интилишдир. Руҳий интилиш эса оилада, мактабда, маҳаллада ўтказиладиган суҳбатлар, дарс ва тадбирлардаги маънавий озуқаларга таянади. Бугунги дарсимизда тинглайдиган

И.Қирғизов – ФарДУ, педагогика-психология факультети тасвирий санъат ва мусиқа кафедраси доценти,
А.Нурмухаммаджонов – катта ўқитувчи.

“Ушшоқ” ашуласи Алишер Навоийнинг “Қаро кўзим” деб бошланувчи ғазалида комил инсон ишқи тараннум этилади. Комил инсонга муҳаббат ифодаланади. Тасаввуф луғатларида кўз – комил инсон тимсоли, деб шарҳланади. Чунки у фақат ўзгаларни кўради, ўзини эса кўрмайди. Комил инсон Навоий учун энг азиз, энг маҳбуб, энг қадрли ва уни кўз қорачиғидай асрашга интилади. Унга таянади, бутун вужуди билан шу вужудга сингиб кетмоқчи бўлади.

Қаро кўзим, келу мардунлик эмди фан қилғил.

Кўзим қаросида мардумлик киби ватан қилғил.

(Аудио орқали тинглаш)

Муסיқа маданияти фанини ўқитишнинг усул, метод ва технологиялари ўқувчиларнинг муסיқий таълимнинг турли кўринишларига оид кўникма ва малакаларини шакллантириш омили бўлмиш аудио орқали тинглаш методини қуйидаги тарзда ташкил этдик. Қаро кўзим деб бошланувчи “Ушшоқ” ашуласини аудио ускунаси орқали тақдим этар эканмиз, жаранглаётган ашулани идрок этиш, фикрлаш, керакли ўринларини белгилаб қўйиш, хотирада сақлаб қолганларини баён қилиш каби жиҳатлар ўқувчиларга эълон қилинди.

Муסיқа тинглаш: Оҳанг водийсига саёҳат

1	2	3	4	5	6	7	8
М	Ў	Б	Д	Т	Қ	Қ	К
А	Т	У	А	О	О	У	О
К	-	Л	Р	Ғ	Я	Ш	И
О	Ў	О	А	-	-	Л	Н
Н	Л	Қ	Х	А	Ч	А	О
	А	Л	Т	Д	Ў	Р	Т
	Н	А	Л	И	Қ		
		Р	А	Р	Қ		
			Р	Л	И		
				А	Л		
				Р	А		
					Р		

Мақсад: Ўқувчиларни хаёлан водий бўйлаб саёҳатга етаклаш асносида куй таркибидаги тузилмани табиатан безаклари билан муқояса қилиш малакасини шакллантириш

1. Макон – асар тонлиги, таянч нуқтаси (а moll) “даромад” инсон шуурига йўналтирилган бирламчи нағмалар.

2. Ўт-ўланлар – даромад қавлининг ифодавий безаклари.

3. Булоқлар – тоғ-тошлардан оқиб тушадиган сизот сувлар заҳираси.

4. Дарахтлар – барча жонли маҳлуқотлар учун сокинлик манбаи .

5. Тоғ-тошлар – инсонни юксакликка йўналтирувчи ҳаракат зиналари (миёнхатда дунасрга томон йўлловчи оҳанг мавжи)

6. Қоя ва чўққилар – инсон руҳий ҳолатининг юқори даражаси (кульминацияси-авжига, илоҳий лаззат палласи сифатида вужуддаги энгиллик, яъни учар қуш янглиғ коинот сафарига чоғланиш)

7. Коинот – ҳақ висолига эришмоқ орзуси, яъни ошиқларнинг ишқ дардида ҳосил бўладиган туйғулар қанотида фалакка ўрланиш.

Ўқувчилар тушунчалар асосида матн тузишда тингланган “Ушшоқ” мумтоз ашула ҳақида ўқитувчи томонидан ташкил этилган суҳбатда қайд этилган. “Самарқанд ушшоғи”, “Қўқон ушшоғи”, “Содирхон ушшоғи”, “Қадимги ушшоқ” каби турдош ушшоқлар ҳақидаги маълумотлар асосидаги билимларни “ушшоқ” атамаси ошиқлар маъносини билдиришини, барча ушшоқлар усул жиҳатдан бир йўлда эканлигини, ушшоқларнинг илдизи бир-бири билан узвий боғлиқликда ошиқлик тараннуми сифатида идрок қилинишини баён этдилар.

Мавзу юзасидан кириш суҳбатимиз давомида ўқувчилар диққатини экранда намоён бўлган “Ушшоқ” ашуласининг ижрочиси Юнус Ражабий суратига қаратилди. 1-расм Юнус Ражабий ижодининг шаклланиш омиллари ва фаолияти босқичлари, дея аталиб қуйидаги жадвал ҳавола этилди.



Маълумки, Юнус Ражабий фавқуллодда истеъдод, ўқув ва мустақкам хотира соҳиби сифатида ўзбек мусиқаси маданиятининг буюк намояндаси бўлиб, умумбашар маънавий хазинасида ҳақли ўринга эгадир. Чунки у киши томонидан нота ёзувига олинган ўзбек халқ мусиқаси шашмақом ҳамда грам ёзуви муҳрланган олтин мусиқий мерос ва у киши басталаган куй, кўшиқлар бутун дунёда ижро этилиб, инсонларни ҳайратлантирмоқда ҳамда эзгуликка сафарбар этмоқда.

1. Зеро, бундай истеъдод Ражабийлар оиласидаги юксак маънавий муҳит, айниқса, Ойша онанинг ижодий қамрови маҳсули эди.

2. Ёш Юнус Ражабий илк адабиёт, фольклор ва дутор чолғу асбобини ўз онаси Ойша онадан моҳир дуторчи Мирза Қосимов, акаси Рихси Ражабийлардан олган бўлса, кейинчалик Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Домла Ҳалим Ибодовлардан танбур чолғу сирларини ўрганди.

3. 1923 йили Тошкент давлат консерваториясини, 1940 йили Москва шаҳридаги бастакор-композиторлик курсини тугаллаб, касбий маҳоратини оширди.

4. 1955-1959 йилларда чоп этилган беш томлик «Ўзбек халқ мусиқаси»нинг нота ёзувидаги жамланмаси Юнус Ражабийнинг мусиқашунослик назариясидан «нотаграфия» (нотага кўчириш) фанларидан қандай салоҳиятга эга эканлигини кўрсатса, 1968 йили чоп этилган 6 томлик «Шашмақом» бу борадаги маҳорат чўққиси бўлди.

5. Юнус Ражабий раҳбарлигида 1960 йили Ўзбекистон радиокомитети қошида ташкил қилинган мақом ансамблига юртимиздаги

истеъдодли созанда ва ашулачилар жалб этилди.

6. Ёзиб олинган «Шашмақом» ва ўзбек халқ мусиқаси намуналари Ўзтелерадио хазинасининг олтин фондини ташкил этиб, ҳозирги кунда бебаҳо ҳисобланади.

7. Юнус Ражабий бастакор сифатида «Фабрика яллеси», «Ҳаммамиз», «Ғалаба», «Ўзбекистон», «Пахта», «Яшнади» каби лирик характердаги кўшиқлар, «Абдулфайзон», «Фарҳод ва Ширин», «Муқанна» драмаларига Г.Мушель билан ҳамкорликда мусиқа ёзди. Шу йўсинда атоқли бастакорлардан Дони Зокиров, Дадаали Соатқулов, Набижон Ҳасанов, Саиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Фаҳриддин Содиқовлар, таниқли хонандалар – Ўзбекистон халқ артистлари Барно Давидова, Комуна Исмоилова, Абдуҳошим Исмоилов, Ориф Алимахсумов, Абдулаҳад Абдурашидов, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Маҳмуд Йўлдошев, Маҳмуд Тожибоев, ака-ука Исроилжон ва Исмоилжон Ваҳобовлар, Ҳасан Ражабий, Очилхон Отахонов ва кўплаб давлатимиз унвонига сазовор бўлган хонандалар у кишини ўзларининг устозлари сифатида эъзозлайдилар.

8. Мустақиллик неъматини мамлакатимизда кўплаб эзгу ғоялар ижобатининг бош омили сифатида устоз орзу қилган янгиланишлар таянчи бўлди. Ўзбекистон Консерваторияси Ўрта Осиёда ягона маънавий маскан сифатида қад ростлади. Азалий қадриятларимиз ҳисобланмиш мақом санъати академик йўналиш сифатида ўқув режадан муносибўрин олди. Шашмақом таълим йўналишини муваффақиятли битирган мутахассислар Олий таълим ва ўрта махсус

коллежлари, болалар мусиқа мактаблари ҳамда махсус лицей-интернатларда юқори малакали педагог кадрлар сифатида фаолият олиб бормоқдалар. Давлатимиз ғамхўрлиги ва Президентларимиз раҳнамолигида истеъдодли ёшларимиз дунё саҳналарида шинаванда ва нуфузли экспертлар эътирофига сазовор бўлишиб, юксак ўринни ҳамда совринларга сазовор бўлмоқдлар. Айниқса, 2017 йил 18 ноябр куни Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан эълон қилинган “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Юнус Ражабий номини олган ўқув юртлари, унинг меҳнат фаолияти, беш томлик “Ўзбек халқ мусиқаси”, олти томдан иборат “Шашмақом” нота материалларини Ўзбекистон телерадио комитети қошидаги мақом ансамбли раҳбарлиги вақтида «Шашмақом» туркумидаги барча асарларни грамм ёзувга муҳрлашдаги хизматлари, мумтоз оҳанглар руҳи билан суғорилган асарлар бастакори сифатидаги ижодий изланишлари асосида тайёрланди.

Беш минутлик эсседан фойдаланар эканмиз, ўқувчилар Ўзбекистон телерадиокомпанияси маданият ва маърифат телеканалида Юнус Ражабий таваллудининг 120 йиллигига бағишланиб, 2018 йил 22 январ куни ташкил этилган кўрсатувда қайд этилган лавҳалар асосида мустақил фикрлашни ифода этдилар. Бунда Юнус Ражабийнинг таклифи билан созгар уста Усмон Зуфаров томонидан катта дутор, катта танбур ва сато чолғу-асбоблари қайта тикланганлигини баён қилдилар.

Ўзбекистон халқ артистлари Абдуҳошим Исмоилов, Ҳадя Юсупова, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Маҳмуджон Тожибоев, Ҳасан Ражабий, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Тоҳир Ражабов, Гулбаҳор Эрқулова, Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори Риффатилла Қосимов, созгар Тўхтамурод Зуфаровларнинг интервьюларидаги маълумотлардан парчалар келтирилди.

References:

1. Karimov I.A.. Yuksak ma`naviyat – yengilmas kuch. Toshkent, «Ma`naviyat» 2008 yil. 19-bet
2. K a r i m o v I.A. Bizdan ozod va obod vatan qolsin. . Toshkent, «Uzbekiston», 1994, B.54
3. Uzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 17 noyabrdagi «Uzbek milliy maqom san`atini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to`g`risida»gi Qarori.
4. Uzbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 6 apreldagi «Xalqaro maqom san`ati anjumanini o`tkazish to`risida»gi Qarori.
5. Mirziyoev Sh.M. Xalqaro maqom san`ati anjumanining ochilish marosimidagi nutqi. Xalq so`zi, 2018, 7 sentyabriy, 1-bet
6. Navoiy g`azaliyoti talqinlari. To`plam. Tuzuvchi: Nusratulla Jumaxo`ja. T.: “O`ZBEKISTON” NMIU, 2018.
7. Otanazar Matyoqubov. Maqomat.T.: “Musiq», 2004.- 400 b.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор).